

Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Шаҳар аҳолисини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қўшимча газ узатиш линияси қурилади. Шунингдек, аҳолининг тоза ичимлик сувиغا бўлган эҳтиёжини қондириш учун янги қувурлар ётқизилди.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 сентябр, чоршанба №150 (1367)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АКЦИЯЛАР ХОРИЖ КОМПАНИЯСИГА СОТИЛДИ

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бойси мажбур соҳа кишилари эндиликда мўл даромад олишининг йўлларини яхши англаб етдилар. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида айни пайтда 1863 та ширкат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 98 фоизи тегишли равишда ер участкалари билан таъминланган. Ишни чек усулида ташкил этиш ҳамда жамоа шартномалари асосида меҳнат қилиш ўзининг афзал томонларини кўрсатди. Вазирликнинг вилоят ва туман бўғинлари хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатаётганлиги муаммоларни ҳал этиш фаолиятини бир маромда ташкил этишнинг омилларидан биридир. Янги иш усулларини кенг ёйишда жойларда ташкил этилаётган семинар-кеңашлар ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Масалан, Қасби туманида ўтказилган йиғинда энг яхши ширкат хўжаликлари тажрибалари ўрганилди.

Фахр

Сўнги 3 йил ичида ширкат хўжалиklarининг ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолияти анча яхшиланди. Уларнинг 850 таси 2001 йилни фойда билан якунлади, 635 тасида эса дивидентлар ҳажми 4 миллиард сўмга яқин бўлди. Жорий йилнинг ярим йиллик натижалари ҳам кишини қувонтиради.

Жамоа шартномаларида қайд этилган моддаларнинг тўлиқ адо этилиши янги тоифадаги қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришда катта туртки бўлмоқда. Жумладан, биз тилга олган корхоналарга 67 та мини банк, 79 та ёқилги қуйиш шохобчаси, 81 та қимёвий ўғитлар ombори, 81 та машина-трактор парки, 75 та сув билан таъминлаш бирлашмаси хизмат кўрсатмоқда.

2002 йилда 142 туман, 2035 та хўжаликнинг галла бўйича шартнома мажбуриятларини ошириб адо этганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Сугориладиган ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 42,1 центнерни ташкил этди.

Қишлоқларда ислохотларнинг чуқурлашиб бораётганлигини чет эл инвестицияларини жалб қилишда ҳам кўриш мумкин. Бу соҳада «Учқўпир консерваси», «Асака мёва-сабзавотни қайта ишлаш» акционерлик жамиятлари сингари корхоналар муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Улар Россиянинг «Эксима» акционерлик жамиятига 200 минг, «Верхист-ЛТД» компаниясига 70 миллион АҚШ доллари миқдоринда акция сотдилар. Эришилган шартномага биноан мазкур шериклар корхоналарни техникавий жиҳатдан замонавийлаштириш мажбуриятини олдилар.

Қўшма корхоналар ҳам тобора кўпаймоқда. Масалан, «Ирғидромаш» акционерлик жамиятининг Италиянинг Сан-Бонифачо шаҳридаги компаниялардан бири билан олиб борган музокаралари низоюсига етди. Эндиликда мёва қонцентратлари, металл бочкаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда «Махсуполимер» акционерлик жамияти билан Италиянинг «Леско» фирмаси, «Сувмаш» АЖ билан Россиянинг «Энергомашкорпорация»си, «Урганч-Экскватор» АЖ билан Санкт-Петербургдаги «Транспорт и лес» АЖ ўртасида ҳам қўшма корхоналар яратиш бўйича музокаралар олиб боришмоқда.

Мазкур йилнинг биринчи ярмида эришилган ютуқлар келажакдаги муваффақиятларимиз пойдевори десак муболаға бўлмайди. Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш ишлари ҳам жонлантирилмоқда.

Турсун НИЁЗОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими mudiri.



Айни пайтда «Самарқанд геология» давлат корхонасининг бир неча кидирув экспедициялари республикамиз турли ҳудудларида фаолият олиб бормоқда. Жамоада бугунги кунда 30 миллат ва элат вакиллари бир оила аъзоларидек меҳнат қилмоқда.

МАСЪУЛИЯТЛИ ҲИМОЯ

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида бўлиб ўтган белбоғли кураш бўйича халқаро турнирда ўзбек спортчилари муносиб иштирок этди. 50 мамлакатдан келган 200 нафар спортчи орасида наманганлик полков Н.Ғозиев 90 килограммгача бўлган вазн тоифасида совринли ўринни эгаллади.

МАҲАЛЛА ФУТБОЛИ ЧЕМПИОНЛАРИ

Маҳалла футбол жамоалари ўртасида «Футбол» мусобақалари якунланди. Уларда 12-13 ёшли футболчилар иштирок этди.

Финал ўрашувида Наманганнинг «Чорсу» маҳалласи жамоаси Бухоро вилояти Вобкент тумани вакиллари 3:2 ҳисобга мағлуб этди. Фойдаларга олтин медаллар, кубок ва биринчи даражали дипломлар топширилди.

(ЎзА).

Ижтимоий ҳимоя

Самарқанд аэрогеодезия корхонасининг иш хусусияти бошқалардан тубдан фарқ қилади. Ходимларнинг ақсарияти сафарда - экспедицияда бўлишади. Фаолият ҳудуди Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларини камраб олади.

25 ФОИЗ УСТАМА ҲАҚ

— Ойлаб оиласидан таянч корхонадан олишда яшаб, ишлайдиган ходимларимизга моддий, ҳам маънавий ёрдам бериш бизнинг бурчимиздир, - дейди корхона директори Тўлқин Абдуллаев. — Аввало, моддий манфаатдорлик таъминланган. Дала-экспедиция шароитида ишловчилар учун қўшма вагон-уйлар, зарур анжомлар, алоқа воситалари ажратилган.

Корхона давлат буюртмаларини бажаришдан ташқари хўжалик юритувчи субъектларга ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатади. Мана шу

раиси Ислом Пирназаров. - Шу боис, жамоа шартномаси пухта ишлаб чиқилган. Ҳар бир имтиёзни ҳисоблашда иқтисодий ҳисоб-китобларга таянилади.

Корхона жамоа шартномасида ибрат олса арзигулик бандлар бор. Хусусан, ходим таътилга чиқаётганда бир ойлик маош миқдоринда, нафақа кузатилаётганда уч ойлик маош миқдоринда моддий ёрдам кўрсатилади. Меҳнаткашларнинг йўл ва даволаниш харажатларининг ярми, уй-жой коммунал тўлов тўлиғича корхона ҳисобидан қопланмоқда. Иш кунининг кўп қисми экспедицияда ўтайдиган ишчиларга 25 фоизгача устама ҳақ тўланмоқда. Шуниси эътиборлики, ижтимоий ҳимояга сарфланаётган маблағнинг 60-70 фоизи корхонанинг қўшимча даромадлари ҳисобидан ажратилайтир.

Корхона давлат буюртмаларини бажаришдан ташқари хўжалик юритувчи субъектларга ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатади. Мана шу

раиси Ислом Пирназаров. - Шу боис, жамоа шартномаси пухта ишлаб чиқилган. Ҳар бир имтиёзни ҳисоблашда иқтисодий ҳисоб-китобларга таянилади.

Корхона жамоа шартномасида ибрат олса арзигулик бандлар бор. Хусусан, ходим таътилга чиқаётганда бир ойлик маош миқдоринда, нафақа кузатилаётганда уч ойлик маош миқдоринда моддий ёрдам кўрсатилади. Меҳнаткашларнинг йўл ва даволаниш харажатларининг ярми, уй-жой коммунал тўлов тўлиғича корхона ҳисобидан қопланмоқда. Иш кунининг кўп қисми экспедицияда ўтайдиган ишчиларга 25 фоизгача устама ҳақ тўланмоқда. Шуниси эътиборлики, ижтимоий ҳимояга сарфланаётган маблағнинг 60-70 фоизи корхонанинг қўшимча даромадлари ҳисобидан ажратилайтир.

Корхона давлат буюртмаларини бажаришдан ташқари хўжалик юритувчи субъектларга ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатади. Мана шу

Р.КУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

МАЛАЙЗИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 10 йил тўлди. Ҳар бир имтиёзни ҳисоблашда иқтисодий ҳисоб-китобларга таянилади.

Корхона жамоа шартномасида ибрат олса арзигулик бандлар бор. Хусусан, ходим таътилга чиқаётганда бир ойлик маош миқдоринда, нафақа кузатилаётганда уч ойлик маош миқдоринда моддий ёрдам кўрсатилади. Меҳнаткашларнинг йўл ва даволаниш харажатларининг ярми, уй-жой коммунал тўлов тўлиғича корхона ҳисобидан қопланмоқда. Иш кунининг кўп қисми экспедицияда ўтайдиган ишчиларга 25 фоизгача устама ҳақ тўланмоқда. Шуниси эътиборлики, ижтимоий ҳимояга сарфланаётган маблағнинг 60-70 фоизи корхонанинг қўшимча даромадлари ҳисобидан ажратилайтир.

Корхона давлат буюртмаларини бажаришдан ташқари хўжалик юритувчи субъектларга ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатади. Мана шу

раиси Ислом Пирназаров. - Шу боис, жамоа шартномаси пухта ишлаб чиқилган. Ҳар бир имтиёзни ҳисоблашда иқтисодий ҳисоб-китобларга таянилади.

Корхона жамоа шартномасида ибрат олса арзигулик бандлар бор. Хусусан, ходим таътилга чиқаётганда бир ойлик маош миқдоринда, нафақа кузатилаётганда уч ойлик маош миқдоринда моддий ёрдам кўрсатилади. Меҳнаткашларнинг йўл ва даволаниш харажатларининг ярми, уй-жой коммунал тўлов тўлиғича корхона ҳисобидан қопланмоқда. Иш кунининг кўп қисми экспедицияда ўтайдиган ишчиларга 25 фоизгача устама ҳақ тўланмоқда. Шуниси эътиборлики, ижтимоий ҳимояга сарфланаётган маблағнинг 60-70 фоизи корхонанинг қўшимча даромадлари ҳисобидан ажратилайтир.

Корхона давлат буюртмаларини бажаришдан ташқари хўжалик юритувчи субъектларга ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатади. Мана шу

Р.КУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

БМТ СЕССИЯСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг кўпалар сессиялари бўлган. Уларда жаҳон халқлари тақдирига дахлдор қатор муаммолар кўриб чиқилган. Лекин бу сафарги 57-сессия мазмунан ва моҳиятан ўзига хос бўлди, дейиш мумкин. Чунки бунда халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш ҳамда Ироқ тузумини ағдартириш каби масалалар алоҳида ўрин тутди. Сўзга чиққан АҚШ президенти Жорж Буш жаҳон жамоатчилигини дунёнинг турли минтақаларида паноҳ топан террорчи гуруҳларга қарши фаолроқ кураш олиб боришга чақирди. Шунингдек, у Ироққа тезроқ ҳарбий ҳужум уюштириш тарафдори эканлигини ҳам яширмади. Аммо қатор мамлакатлар вакиллари билан биргаликда қўшимча таътилга эришилди.

АЙБЛОВНИНГ БИРИНЧИ ҚИСМИ ТУГАДИ

Ҳарбий жиноятлар бўйича Гаагада тузилган халқаро трибунал Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич ишининг биринчи қисмини низоюсига етказди. У деярли юз кун давом этди, Маълумки, С.Милошевич адвокатлардан воз кечиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилмоқда. 1998-1999 йилларда Косово ва Метехия ҳудудларида бўлган жангларда беғуноқ кишиларнинг ўлимида айбланган С.Милошевич барча даъволарни рад этди. Суд жараёнида қатнашган 125 нафар гувоҳнинг далилларини ҳам тўлиқ асосли деб бўлмади. Энди судда Хорватия ва Босния минтақаларида

оҳангдаги мактуби, Грузия президенти Э.Шеварднадзедан Панкис дарасидаги халқаро террорчилар ва чечен жангариларига қарши курашда самарали натижаларга эришилмаётганлиги борасидаги фикрлари икки ўртага совуқликни солди. Шундан сўнг, РФ мудофаа вазири С.Ивановнинг яқин кунлар ичида босқинчи террорчиларга қарши ҳарбий зарба берилиши мумкинлиги тўғрисидаги баёноти эълон қилинди. Бу шубҳасиз, Грузия томонини ҳам хурсанд қилмади. Воқеаларнинг қай йўсинда ривожланишини эндиликда яқин келажак кўрсатади.

Харбий жиноятлар бўйича Гаагада тузилган халқаро трибунал Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич ишининг биринчи қисмини низоюсига етказди. У деярли юз кун давом этди, Маълумки, С.Милошевич адвокатлардан воз кечиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилмоқда. 1998-1999 йилларда Косово ва Метехия ҳудудларида бўлган жангларда беғуноқ кишиларнинг ўлимида айбланган С.Милошевич барча даъволарни рад этди. Суд жараёнида қатнашган 125 нафар гувоҳнинг далилларини ҳам тўлиқ асосли деб бўлмади. Энди судда Хорватия ва Босния минтақаларида

«Ишонч» фойда элади

ТАДБИРКОРЛИККА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛГАНИ УЧУН

«Дўстлик» пахта тозалаш корхонаси маъмурияти транспорт хизматида зарурат сезиб, 2000 йилнинг ноябрида ҳамда 2001 йил мартда «Жўш» кенг тармоқли хусусий фирмаси билан ижара шартномаси тузди. Тарафлар келишувига кўра, иккита трактор билан бажарилган иш учун ҳар ойнинг бешинчи санасигача фирма ҳисоб рақамига корхона томонидан пул ўтказилиши, агар келишув шартлари бажаришмасан, шартнома бандларига кўра тўланмаган дебиторлик қарзига 0,5 фоиз жарима тўлаш белгиленган. Демак, юридик кучга эга бўлган ҳужжатда икки томоннинг бурч ва мажбуриятлари ўз ифодасини толган.

Важт ўтиши билан нима учундир пахта тозалаш корхонаси раҳбарияти шартнома ижросига панжа орасидан қаради. Оқибат натижада қарздорлик кўпайиб, жарима миқдори ортиб борди. Табиийки, бажарилган иш учун ҳақ ўз вақтида олиномас, ўша жамоада иш орқага кетади. Дебиторлик қарз кўпайиб кетиши натижасида «Жўш» фирмасидан барака кўтарилди. Ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга маъмуриятнинг кучи етмай қолди. Ҳақли эътирозлар кўпайди. Фирма раҳбарлари қарздор корхона раҳбарларига неча бор мурожаат қилиб, шартнома шартларини бажаришларини талаб қилсалар-да, улар пинакларини бузишмади. Берарда чиқар жонини, деб шунга айтсалар керак. Бироқ мустақил Ўзбекистон мизда конуст устувор. Бунга қатъий ишонган фирма раҳбарияти ҳақ-ҳуқуқлари учун қатъий курашиб, «Дўстлик» пахта тозалаш корхонасидан 5.333.212 сўм дебиторлик қарзини ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Мазкур ишни атрофича кўриб чиққан хўжалик суди даъвогар даъвосини қисман қаноатлантирди. Пахта тозалаш корхонасидан «Жўш» кенг тармоқли хусусий фирмаси фойдасига 4.047.028 сўм ундириб берилди.

Вилоят хўжалик суди қарорига кўра, «Дўстлик» пахта тозалаш корхонаси раҳбари ва бош ҳисобчисининг масъулиятсизлиги, совуққонлиги оқибатида корхонага етказилган катта миқдордаги зарар учун улар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Яъни, директор И.Зокиров, бош ҳисобчи Ш.Улугов Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг тегишли моддасига кўра энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда жаримага тортилдилар. Ҳа, тадбиркорликка тўсқинлик қилганларнинг ўзлари охири-оқибат ноқулай аҳволда қоладилар.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

2002 ЙИЛ - ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Қишлоқларимизни кезиб, файзли хонадонларда бўлганимизда чехрасидан нур ёғилиб турган, суянган тоғларимиз бўлмиш отахону онахонларни кўриб кўнгил тоғдек кўтарилади. Табаррук инсонларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш бурчимиз эканлигини қалбдан хис қилсан киши.

УЛАР ЁЛГИЗ ЭМАС

Вилоятимизда бу йил қариялар саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 60 мингга яқин пенсионер, ёлғиз қария ва ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилди. Уларнинг 16.302 нафари уй шароитида, 11.143 нафари амбулатория, 2.671 нафари эса стационар шароитида даволанди. 500 нафар нуроний республика, 231 нафари вилоят сихатгоҳларида кўнгил-дам олдилар. Имтиёзли равишда доридармонлар билан таъминланаётганлар учун беш ярим миллион сўм маблағ сарфланди. Хомийлар маблағини жалб этган ҳолда бир миллион сўмлик эшитиш мосламалари келтирилди.


Ногиронларни реабилитация қилиш қошида протез-ортопедия корхонаси очилди. Бу эҳтиёжманд ногиронларнинг овозгарчилигига чек қўйди. Энди уларга янги технология асосида ишлаб чиқарилган ихчам протезлар кера-

гича етказиб берилмоқда. Жиззахдаги «ЎзЭК-САЙД» Ўзбекистон-Америка транспорт корхонасининг ташаббуси билан 524 ёлғиз қария шахар ва шахар атрофидаги йўналишларда қатнайдиغان «Отойўл» автобусларидан бепул фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Бу хайрли иш учун йилга 16640 минг сўмлик маблағ сарфланади. Хомийлар мадади кенгайиб борапти. Қаранг, саховатпеша инсонлар мадади билан жорий йилнинг ўтган даврида 56 ёлғиз қариянинг уйи таъмирлаб берилди. Бундан ташқари, 50 нафар пенсионерга ҳамийлар томонидан қўшимча нафақалар жорий этилиб, уларга ҳар ойда 303.125 минг сўм маблағ сарфланапти.

Қаерга борманг, табаррук инсонларга иззат-ҳурмат кўрсатилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Табаррук кишилар илтимосига кўра 300 нуроний Термизий, Қирққиз, Имом Ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Зангиота қадамжоларини зиёрат қилди.


Вилоят ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан 200 нафар пенсияга чикувчилар бир пиёла чойга таклиф этилдилар. Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Бу янги анъаналар юзга келишига сабабчи бўлди. Жумладан, эндиликда халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида фидокорона меҳнат қилиб, эндиликда қариллик гаштини сураётган кишилар ҳар шапба кун «Боғишамол» мажмуасида дийдорлашишмоқда. Касаба уюшмалари турли жамғармалар билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, савобли ишларга бош-қош бўлмоқда. Отахону онахонларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, мониторинг ва диспансеризация натижаларини таҳлил этиш учун 13 та геронтология хонаси ташкил этилди. Шу йўналишдаги ажойиб марказ иш бошлади. Хуллас, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан белгиланган тадбирлар ҳамжихатликда изчил амалга оширилмоқда.

Сокина АЛМАМЕДОВА, Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.



Нуронийлар бизнинг фахримиз, суянган тоғларимиздир. Уларнинг бой ҳаётий тажрибаси, доно маслаҳатлари ҳамиша асқолади. Бирон-бир тадбир, тўю марака отахону онахонлар иштирокисиз ўтмайди. Табаррук инсонлар бор экан, ишимиз олдинга босади, хонадонларимиз нурга тўлади. Шу кунларда жойларда ўтказилаётган бир-бирдан қизиқарли тадбирларда кекса авлод вакиллари юксак даражада қадрланмоқда.

Ўз мухбирларимиз олган суратлар.



«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» КОНИМЕХДА

Конимах туманидаги Хамид Олимжон номли ширкат ҳўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ижтимоий ҳимояга муҳтож 30 оилага ёрдам қўлини чўзди. Уларга ҳўжалик ҳисобидан 22 бош кўй, 550 килограмм бугдой, 300 килограмм ун тарқатилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳўжаликда нафақат ишловчиларнинг, балки, шу ерда ишлаб кетган нафақахўрларнинг соғлиқларини тиклашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда яқинда ҳўжаликка ташриф буюрган юқори малакали мутахассислардан иборат «Саломатлик поезди» шифокорлари аҳолини, шу жумладан қарияларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришди.

Маданий-маиший, спорт тадбирлари ҳам изчил амалга оширилляпти. Жумладан, 19-мактабдаги «Балли, қизлар» кўрик-танлови ҳўжалик хомийлигида ўтди. Вилоятдаги «Зарафшон» жамоаси ҳўжаликдан 270 минг сўмлик спорт анжомлари олди.

С. ЯРАШЕВ.

ОТАХОН СЕВИНЧИ

Рауф ота телевизордан спорт кўрсатувини томоша қиларкан, бири-бирдан қобилиятли, чакқон йиғит-қизларнинг ҳаракатларини кўриб гайрати жўш уриб кетди. Беихтиёр «Қанийди, ёшлигим қайтиб келса-ю, мен ҳам ўшалар сафини тўлдирсам...», деди ўзига-ўзи: Кўнглини фахр туйғуси қамради: «Бугунги ёшлар нақадар омадли-я. Ҳамма шароит бор, шуғулланман деганга стадиону спорт иншоотлари етарли. Фақат пойтахтдагина эмас, чекка қишлоқлардаям спорт мажмуалари бор. Теннис кортларини айтмайсизми. Спорт ҳеч қачон бугунгидек оммавий тус олманган». Унинг хаёли узок ва яқин ўтмишга кетди...

...Едида, акаси Ориф Саидов иккинчи жаҳон урушидан кейин сафдошлари билан турли спорт ўйинлари намойишида катнашган эди. Ўша пайтга қадар шифокор бўлман, деб юрган ўсмирнинг фикри ўзгарди. Мактабдаги дарслар тугаши билан «Спартак» клубига йўл олди. Уни ўша даврининг

машҳур тренерларидан бири Николай Ларин илиқ кутиб олди. У Рауфнинг кенг елкаларига, гайрати жўш уриб турган келбатига боқиб, «Насиб этса, сендан чемпион чиқади», деди ишонч билан. Унинг башорати ҳақиқатга айланиши учун кўп вақт кетмади.

Рауф курашининг сир-синоатини кунт билан ўргана бошлади. У тенгқурлари орасида энг кучлиси ва гайратлиси эди. Едида, машғулот тугар-тугамас устозининг онаси ёш спортчиларга нон, ширинлик тутқазарди. Урушдан кейинги очарчилик, етишмовчилик даврида ўзидан орттириб, бошқа бировга емак тутқазиб, чин маънода фидойилик эди.

1947 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг энг кучлилари сараланган чемпионатда катнашишга мушарраф бўлган Рауф устози ишончини оқлади. Мусобақа голиби бўлиб уйга қайтди. Шундан сўнг унинг ҳаётидаги омадли ва омадсиз кунлар бошланди. Омади шундаки, Рауф Са-

идов спортчилар орасида анча танилиб қолди, кураги ерга тегман калондимоғ спортчилар ҳам у билан ҳисоблашадиган бўлиб қолишди. Кўплаб спорт мусобақаларида иштирок этиб, бир неча бор кўли бандан келди.

Омадсизлиги эса, истеъдоди ҳадеганда юзга чиқавермади, тўриси... чиқаришмади. Бирок у кайфиятини туширмади, машғулотларни сусайтирмади. Бу орада ҳарбий билим юртига ўқишга кириб Украинага - Харьков ҳарбий билим юртига йўл олди. Ўқиш давомида спорт билан ошноликни давом эттирди. Иккинчи курс курсанти эди. Уни билим юрти раҳбари қақирди:

— Курсант Саидов, нега бир неча бор чемпион бўлганингни яширдинг, - деди.

— Қандайдир ноқулай, - деди ёш Рауф. — Ҳалиям шуғулланиб турибман.

Ўша суҳбат унинг ҳаётида бурилиш ясади. У эркин кураш бўйича Украина чемпионатида катнашиб, чемпион бўлди.

Ва ниҳоят, 1955 йили она Ватани Ўзбекистонга қайтди.

Бирок, уни Тошкентга қабул қилишмади. Уй сатҳи пропискага ўтши учун камлик қилармиш. Шунда кўнгли озорлангандай бўлди. Қизик-да, уни Украинада қолишга таклиф қилишиб, ҳатто уч хонали уй ҳам ваъда қилишса-ю, ўз юртида...

Ҳар қалай, кураш бўйича спорт усталиги, чемпионлиги кўл келди...

У «Динамо» спорт жамиятида тренер бўлиб ишлаб бошлади. Орада уйланиб, икки фарзанди бўлди. Бирок спорт ҳаётининг мазмунига айланди. Республика жисмоний тарбия институтида ўқиди.

— Ёшлигимда шифокор бўлиш орзу қилардим, - дейди ота-ёш Рауф. — Орзуим ушалмаганидан ҳафа эмасман. Негаки, ёшларни

спорт-соғломлаштириш билан шуғуллантиришнинг ўзи шифокорлик эмасми?

— Ҳозир Рауф ота етмиш ёшни қоралаган бўлса-да, бир зум бўлсин тинмайди. У Чилонзор туманидаги 331-мактабда жисмоний тарбия ва ҳарбий таълимдан ёшларга сабоқ бериш билан бирга, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгашига қарашли бирлашган спорт-техника клубининг мерганлик, кураш бўлимларида машғулотлар олиб бормоқда.

— Ўзбек кураши нуфузли спорт тури сифатида тан олинди, жаҳон чемпионати ўтказилгандаги ҳолатимни кўрганингизда эди, дейди отахон. Кўз ёшларини тия олмайди. Сабаби - Ўзбек кураши жаҳонга чиқди! Ўзбекининг «халол» деган каломи жаҳон узра янград! Бугунги ёшларимизнинг бахти - ҳур мамлакатда яшаётгани, ўқиб, ўрганиш учун, яхши яшаш учун барча шароитларнинг муҳайёлигида. Президентимиз спортчиларни юк-

сак даражада қадрлаётгани уларнинг улкан бахти! Мен ўн беш йилдан зиёд гиламга тушиб, ўн мартадан зиёд чемпион бўлдим. Лекин қадр топмадим... Ушлаб қошларим ўша даврлардаёқ бошқа ерларга кетиб қолишди. Мен эса киндик қоним тўкилган Ватани ташлаб кетолмадим. Бугун меннинг бахтли шогирдларим тақдирини армонларим ушалаётганидан қувонаман. Шогирдлар бахти, камолини кўриш устозлар учун бахт.

Отахон спортчилар даврасида юришни қанда қилмайди. Уни етмиш ёшли чемпион деб эъзозлашди. Байрамларда, тадбирларда даврага кўрк бағишлаб ўтирадилар. Шунингдек, у ўзи истиқомат қиладиган Дўмбиробод маҳалласидаги спортга иштиёқманд ёшларнинг бошини бир жойга қовуштирган. Спортнинг барча турлари бўйича маҳалла болаларининг туман ва шахар биринчилиги мусобақаларида катнашишларига бош-қош.

Ю. АБДУЛҲАЕВ

Лавҳа

МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ГАП ЙЎК

Чортоқ туманидаги «Болажон» кўп тармоқли хусусий фирмаси маҳсулотларига Американинг «Прагма» компанияси қизиқиш қолди. Компания вакиллари Фред Блейрбек ва Шейла Маквилямслар корхонада бўлиб, болалар учун ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқатлар таркиби табиий маҳсулотлардан эканлиги уларнинг эътиборини тортиди. Шартномалар тузиб, ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Кичик корхонанинг иш бошлаганига энди бир йил тўлди, - деди корхона раҳбари Сайдулла Абдурахмонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Яқинда ҳолва ва табиий гиёҳлардан соч шампуни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Шу кунларда Қорақалпоғистон болаларига сервитамин маҳсулотларимизни жўнатяпмиз. Қирғизистон ва Қозоғистон ҳамда красносаярсклик ҳамкорлар билан шартномалар туздик.

ЁҒ КАДОҚЛАНМОҚДА

«Учқўрғонёғ» хиссадорлик жамиятида ўсимлик ёғини қадоқлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда ишга туширилган янги цехда маҳсулот бир литрли елим идишларга жойланиб, савдога чиқарилмоқда.

Франциянинг «STECA» фирмасидан келтирилган технологик линия соатига икки минг дона ёғ қадоқлаш қувватига эга.

«Туркистон-пресс».

«Оқ олтин — 2002»

Кумкўрғон туманидаги С.Бойматов номли ширкат ҳўжалиги аъзолари айни пайтда 8 минг тонналик пахта кирмонини яратмишга аҳд қилиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳўжаликда 140 дан зиёд оилавий пудратчиларга 1950 гектар ер майдони бириктиб берилган. Пудратчилардан Ч.Қултоев, М.Тўраев, С.Суюнов ҳамда Б.Сайфутдиновлар ҳозирда мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Шуниси диққатга сазоворки, ҳўжалик маъмурияти ҳамда касаба уюшма кўмитаси йиллик режаларини ошириб бажарган оилавий пудратчиларни муттасил равишда рағбатлантириб бормоқда. Шунингдек, далада ишлаётган меҳнатқашлар учун барча шароитлар яратилган. Ҳўжалик ҳисобидан бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Қишлоқ фельдшерлик пунктлари зарур доридармонлар билан таъминланган бўлиб, теримчиларга даланнинг ўзида хизмат кўрсатишмоқда. Йиллик режани ошириб бажарган оилавий пудратчиларга бир бош кўй, 10 килограммдан ўсимлик ёғи ҳамда 30 килограммдан гуруч бепул берилляпти. Теримчиларга эса терган хар бир килограмм пахтаси учун 25 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Ун кунда илғорликка эриш-

ганларга ўн беш минг сўм, энг кўп пахта топширган оилавий пудратчиға эса бир бош кўй ҳамда олтиш минг сўм миқдордаги рағбатлантирувчи мукофот берилмоқда.

— Йил якунида энг илғор теримчиға Тошкентдаги «Чинобод» санаторийсига, 2- ва 3-ўринларни эгаллаганларға «Сурхон» сихатгоҳига бепул йўлланма беришни режалаштирганмиз, - дейди касаба уюшма кўмитасининг раиси Дониёр Жовлиев.

Лафзи ҳалол, сўзи билан иши бир бўлган ҳўжалик пахтакорлари кун сайин белгиланган маррага яқинлашишмоқда. Меҳнатдан завқ олаётганлар сони кун сайин кўпаймоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Ибрат

ШИЙПОНДА МАЪНАВИЯТ ХОНАЛАРИ

Дала шийпони деҳқоннинг иккинчи уйи, деб бекорга айтишмайди. Бу борада Чортоқ туманидаги Навоий номли ширкат ҳўжалигида амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Масалан, ҳўжаликнинг Сотиболди Ҳайитов бошлиқ 22-бригадасига йўли тушган киши дала шийпони қандай бўлиши кераклигини тушуниб етади. Шийпон саҳнидаги ярим гектарлик майдон чинакамга бўстонга айлантирилган. Бу ерда эрта баҳорда ўриқлар гулласса, сал ўтмасдан олма ва шафтоли дарахлари кирмизи гўнча очиб борликни бегайди. Гулу райхонлар атрофга бўй таратади. Бригада аъзолари учун полизда бодрингдан тортиб пиёзу помидорғача, қовундан то бўлғор қалампир-ю саби ва жамбилғача экиб, парвариланади.

— Ҳўжалигимизга Турдиали Жумабоев раис бўлиб келган, айниқса, дала шийпонларига эътибор кучайди, - дейди бригада бошлиғи Сотиболди Ҳайитов. — Хар бир бригада

шийпони олдиға кўшимча ёғзи дам олиш масканлари бунёд этилди.

Хуллас, дала шийпонлари қайта чирой очди. Кишининг бахрини очадиган тарзда безатилди. Сўриларга озода кўрпачалар тўшалди.

— Энг муҳими, - давом этади суҳбатдошимиз С.Ҳайитов, — шийпонларимизда «Маънавият» хоналари ташкил этилганлигида бўлди. Ишловчиларимиз дам олиш соатларида бу ерда газета-журнал ўқийдилар, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан яратувчилик ишларидан яқиндан хабардор бўладилар.

Дарҳақиқат, шийпонларда «Оналар ва болалар», «Аёллар» ва «Дам олиш» хоналаридан ташқари «Маънавият» хонасининг ташкил этилганлиги нур устиға аъло нур бўлди. Зеро, бундай шарт-шароит деҳқонларни янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Мукофот муборак!

Гулистонни китоб билан туғилган, деб ҳазиллашшди. Дарҳақиқат, бадиий адабиётга бўлган ихлос унда мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ кучли эди. Талабалик йилларида ҳам бўш вақтларини олийгоҳ ёки шаҳар ва вилоят кутубхоналарининг ўқув хонасида ўтказарди. Бу иштиёқ унинг келгуси ҳаётини ҳам белгилаб берди. Таксирот комиссиясидан кутубхонага ишга юборишларини сўради.

Шундай қилиб, Гулистоннинг иш фаолияти 7-сон болалар кутубхонасидан бошланди. Тиришқок, ўз касбини жон-дилидан севадиган қизини икки йилдан кейин шаҳар марказий кутубхонасига таклиф этишди. Билимдонлиги, иқтидори туфайли ҳамкасблари ўртасида эътибор қозонди. Кўп ўтмай нуфузли конференцияларда маърузалар билан қатнаша бошлади. Янгича услуб, иш юритиш тажрибаларини шаҳар кутубхоналарига тадқиқ қилди. Ҳаракатлари зое кетмади. Уни дастлаб шаҳар марказий кутубхонасига, кейинчалик вилоят марказий кутубхонасига директор этиб тайинлашди.

«Дўстлик» Ордени соҳиби

Шундан 14 таси марказий кутубхона хисобланади. Зий масканларида жами 5,5 миллион дона китоб мавжуд. Китобхоналар сони эса 385 минг кишини ташкил қилади. 1998 йилда вилоят кутубхонасига илмий университет мақоми берилгач, табиийки, уни фаолият доираси янада кенгайтиди. Шу туфайли катта миқдордаги тиббиётга оид китоблар олинди. Бу эса Орол фалокати ҳудудида яшаётган аҳоли, қолаверса олимлар ва тиббиёт ходимлари учун муносиб совға эди.

лоят кутубхонасида ҳуқуқ-ахборот маркази ташкил қилинди. Эндиликда бу ердан истаган киши бепул ҳуқуқшунос маслаҳатини олибгина қолмасдан, ҳуқуқий адабиётлар билан танишиш имкониятига эга. Интернет ва электрон почта орқали эса дунёнинг барча минтақаларига оид турли ахборотлардан фойдаланиш мумкин.

Американинг Тошкентдаги ваколатхонасидан олинган 5 та, Ўзбекистон оқиқ институту жамиятидан келтирилган 3 та компьютер интернетга чиқариш янада кенгайтиди. Ҳозир бу ерда дунё бўйича интернет орқали хоҳлаган китобга буюртма бериш мумкин. Амалга оширилган хайрли ишлардан яна бири, бу кам таъминланган оила болаларини бепул ўқитадиган, компьютерни ўргатадиган курснинг ташкил қилинишидир.

Хоразм вилоят кутубхонасида ишлар намуна йўлга қўйилганини эътиборга олиб республика Маданият вазирли-

ги, республика илмий универсал кутубхоналари ва болалар кутубхоналари раҳбарларининг бу йилги семинар кенгаши ана шу кутубхонада ўтказилди.

Вилоят кутубхоналарида йирик тадбирлар, анжуманлар, буюк сиймолар таваллудига бағишланган саналарни ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Тадбирларни ўтказишда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, вилоят маънавият ва маърифат маркази, «Камолот» ёшлар уюшмаси зий тарқатувчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан республикамизнинг бир гуруҳ кишилари Президентимиз Фармонига кўра ҳуқуқимиз ордени ва медалларига мушарраф бўлдилар. Улар орасида Гулистон Қаландарова ҳам бор. У «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Бу зий тарқатувчи қизнинг камтарин Меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Саховат

МАКТАБГА 2,5 МИЛЛИОН

Кизилтепа туманидаги «Меҳнат-роҳат» ширкат хўжалигининг Оксоч қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Хўжаликнинг Айрончи қишлоғида ҳам янги қишлоқ врачлик пункти қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, хўжалик ҳудудидаги барча аҳоли яшаш жойлари тўлиқ газлаштирилган. Айни қунларда ҳар бир қишлоққа тоза ичимлик суви келтириш устида иш олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўзида хўжалик ҳисобидан 12 километрга сув қувурлари тортилди. Йил охиригача Манғит, Урганжи, Работ қишлоқларидаги 300 хонадон ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Хўжалик маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси ўз ҳудудидаги ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, ўқувчиларни ўқув қуроллари билан таъминлашга ҳам амалий ёрдам кўрсатмоқда. Мактабларда жорий таъмирлаш ишларига 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди.



Хўжаликда ишлаб чиқариш режаларининг мунтазам ошириб бажарилаётгани қишлоқда инфратузилmani шакллантириш, маданий-маиший тадбирларни амалга ошириш имконини бераётир.

Ялғош САРИБЕВ, «Ишонч» мухбири.

Кўргазма

АФСОҲАЛАР ВОДИЙСИ

Тошкентдаги «Замонавий санъат маркази»да Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан мустақилликнинг 11 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Афсоналар водийси — Сурхондарё» номли кўргазма намойиш қилинмоқда. Кўргазма тўрт бўлимдан иборат бўлиб, 250 дан зиёд экспонатни ўз ичига олган. Улар қадимий ўтмишнинг тарихий ёдгорликларини яқиндан таништиради.



НИМ ТАБАССУМ

— Алло, доктор! — Эшитаман. — Томогим оғрипти, нима бўлганини айтиб беролмайми? — Яхши, оғзингизни очинг... Халта кўтариб олган тулки бурга деди: — Иккаламизга 10 та шиша асал бериб юборишди. Ҳар биримизга 8 тадан. — Канакасига 8 тадан? — Хайрон бўлиб сўради бўри. — Билмасам. Лекин мен ўзимга тегишли қисмини еб бўлдим, - деди тулки елка қисиб.

Шунингдек, табиати гўзал, одамлари меҳнатсевар ва танги элнинг урф-одатлари, маросимлари, анъаналари акс этган фотолавлар ҳамда мўйқал усталари яратган ранг-баранг тасвирий санъат асарлари ҳам тоза мушоабинлар эътиборига ҳавола этилган. Ўзбекистон халқ рассомлари Р.Чориев, А.Мирзаев, Ж.Умарбеков, С.Раҳметов, А.Икромжонов ва С.Абдуллаев, Т.Кўзиёв, В.Бурмакин, шунингдек, Г.Зильберман, Б.Курбанов, Н.Ҳабибуллаев каби иқтидорли рассомлар томонидан

Бохром ТОЖИЕВ, Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.

Уйқусизликдан кўзлари киртайиб қолган кўшнисини кўриб Афанди ҳол-аҳвол сўради: — Тинчликми, жуда ўзингизни олдириб қўйибсиз? — Э, нимасини сўрайсиз, бошимга катта ташвиш тушди. Итим кетиб қолди. Афандининг хайратини янада ортди. — Хотинингиз кетиб қолганда ҳам бунчалик қайғурмагандингиз-а? — Хотинингизнинг бўйида халқроқ мусобақа қўлга киритилган олтин медал йўқ эди-да. — Хозир қаердасан, сўради тадбирдордан ўртоқлари. — Нью-Йоркда. Ярим йил бўлди. Ишга кўмилиб ётибман. — Ишинг олисда эмасми? — Йўқ, ўн беш-йигирма дақиқалик йўл. — Автобусда борасанми ёки метрода? — Иккисидан ҳам эмас. Лифтда.

Тахиятош шаҳридаги «Тахиятас Агротехмаш» очик турдаги хиссадорлик жамиятининг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабасига Марказий кўмитаси Марказий кўмитаси аъзоси Раиса Водовозовага онаси Анастасия ДОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг капитал қурилиш бошқармаси жамоаси етакчи муҳандиси Любов Николаевна ЗАБОЛОТНАЯнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ДОРИШУНОСЛИК ЛУГАТИ

Ўзбекистонда доришунослик фани ва амалиёти кенг ривожланиб бормоқда. Бунда Тошкент фармацевтика институту профессор-ўқитувчиларининг ҳам ҳиссалари катта. Олий ўқув юрти олимларининг изланишлари билан талайгина дори-дармонлар юзага келди. Бу препаратлар тиббиёт амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Мутахассислар тадқиқотлари китоб ва тўпламлар ҳолида чоп этилаётгани, айниқса, кувончлидир. «Тайёр дорилар технологияси», «Фармакогнозия» каби дарслик ва қўлланмалар институт жамоасининг йтуғи бўлди.

Фармацевтика бўйича лугатларга тўбора эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу ўринда «Русча-лотинча-ўзбекча доривор ўсимликлар лугати» деб номланган нашрни кўрсатиб ўтиш жоиздир. «Фармацевтика амалиётида қўлланиладиган атамалар ва ибораларнинг русча-ўзбекча лугати» ҳам кўп нуҳсада чоп этилди.

МУТАХАССИСЛИКДАН МАШҒУЛОТЛАР

Тошкент автомобил ва йўллар институти томонидан амалга оширилаётган таълимий йўналишлар яна биттага ортди. Янги ўқув йилидан эътиборан олий ўқув юртида йўлга қўйилган «Транспорт ишлари эксплуатацияси» деб номланган йўналишда мутахассислар тайёрлаш учун мустақам ўқув-моддий негиз яратилди.

Автомобил-йўл мажмуасини бозор муносабатларига ўтказиш билан боғлиқ бу таълимий жараён давомда кўплаб ёшлар ўз билим ва маънавиятини оширадилар. А.АЛИЕВ.



Азамат Абдураимов: «ЯШИЛ МАЙДОННИ ҚЎМСАБ ЯШАЙМАН!»

(Охири. Боши ўтган сонда) — Азамат, сиз ўзбек футболининг ривожига катта ҳисса қўшган Биродар Абдураимовнинг ўғлисиз. Бу жиҳатдан сиз омадлик бўлгансиз. Бу ҳол футболдаги фаолиятингизда қандай из қолдирган?

— Яхши томонлари ҳам бўлган, ёмон жиҳатлари ҳам. Бошида, 1987 йил Тошкентга келганимда отамнинг кўп ёрдами теккан. Лекин футболда таниш-билишчилик қилиб бўлмади. Минглаб ишқибозлар сизни кузатиб туради. Ёмон ўйнасанг ҳам, яхши ўйнасанг ҳам ҳаммасини кўришади. Бир вақтлар омадим юришмай, гол урولмай юганимда, кўп танқидлар остида қолганман. Энг оғир зарба менга ва отамга теккан. Чунки ўша йиллар мен «Пахтакор»да ҳужумчи, отам бош мураббий эди. Ўшанда «агар фамилиям Абдураимов бўлмаганда шунчалик қийналмасдим» деб ўйланганман. Лекин Абдураимов бўлганимдан ҳеч қачон афсусланмаганман. Шу йиллар мен учун ҳақиқий синов вақтлари бўлган.

Токи 1989 йилга келиб, отамсиз ҳам

жамоада энг кўп тўп киритганимдан сўнггина менга футболчи Азамат Абдураимов сифатида қарай бошлашган.

— Бизга маълумки, сиз футболдан ташқари журналистик фаолият билан ҳам шуғулланасиз. Сиз учун қайси бири касб саналади?

— Мен учун ҳар иккиси ҳам касбдир. «Касбим - фахрим» деганларидек футболчиликнинг орқасидан шунча муваффақиятларга эришдим. Аслида одамлар футболни бир ўйин деб ўйлашади. Футболчи учун эса бу жуда олғир меҳнат. Майдонда ҳар куни терлаб-пишиб машғулот ўтказиш керак бўлади. Футбол-ҳаётим мазмуни.

Журналистик фаолиятим ҳақида гапирсам, «Наш футбол» газетасида бош директор бўлиб ишладим. Лекин вақт етишмаслиги ва яна баъзи муаммолар туфайли ҳозирча бу фаолиятни тўхтатиб турибман. Лекин республика матбуотида «Футбол академияси» деб аталган муаллифлик лойиҳам эълон қилиниб туради.

— Футбол билан хайрлашгач Азамат Абдураимов журналистикага қайтиши мумкинми? — Йўқ. Мен катта футболдан бутунлай кетмапман. Ҳозирда мураббийлар олий мактабда таъ-

лим оляпман. Декабр ойида ўқишни тугатаман. Худо хоҳласа, мураббийлик сертификатини олгач, шу иш билан шуғулланмоқчиман.

— Абдураимовлар сулоласининг давомчилари ҳақида гапириб бериш? Хали бу фамилия футбол майдонларида кўп янграйдими?

— Ҳозир мендан ташқари укам Жасур ва Баҳодир футбол билан шуғулланади. Баҳодир Греция клубларида ўйнаб келди, ҳозир «Зарафшон»да. Жасур отам кўл остида Тошкентнинг «Ўзбекистон» жамоасида тўп сурмоқда. Фарзандларимиз ҳам улғаймоқда. «Мен уларни футболчи бўласан», деб мажбурламоқчи эмасман. Агар ўзлари хоҳлашса, менга отам оқ фотиҳа



Бахтли онлар. Азамат кўвалик сарпосида. Малайзия футбол федерацияси ходимлари уни кутлашмоқда.

бергани каби мен ҳам улларга омад тилаган бўлардим. Н о к а м т а р л и к к а йўймангу, бизнинг футболчи оиламиз XX асрнинг энг яхши футбол сулоласи, деб топилган.

— Хайрлашув тадбирига қимларни таклиф этгансиз?

— XII Осиё ўйинлари ғолибларининг ҳаммалари келишди. Ундан ташқари Андрей Пятницкий, Мухсин Мухаммадиев, Хорен Оганесян, Станислав Черчисовларни таклиф этганман. Хонандалардан Исмоил Жалилов ҳамда Шаҳзодани, «Сахар», «Аббос» гуруҳларини таклиф қилганмиз.

— Азамат, катта футболдан кетиш осон кемайтгандир?

— Мен футбол ўйнашни жуда яхши кўраман. Шу

ёшгача ўйнашимнинг сабаби ҳам шу. Аслида 30 ёшда ҳам футбол билан хайрлашим мумкин эди.

Афсуски, футболчилик фаолияти жуда қисқа бўлади. Начора, футболни, яшил майдонларни кўмсаб яшашдан ўзга чора йўқ.

— Инсондаги қайси фазилатни қадрайсиз?

— Сабатри қадрайман. Мен бир пайтлар «Спартак»да ўринбосарлар таркибиде ўйнаб юганимда мана шу хислат етишмаган. Мен билан «Спартак»га таклиф этилган Андрей Пятницкий сабр қилгани учун асосий таркибга кирди. Мен сабрсизлик қилиб Душанбенинг «Помир»ига ўтиб кетганман. Лекин «Спартак»да ўтаган мактабим менга футболда кўп асқотган. Футбол колдузлари Фёдор Черенков, Игор Шалимов, Александр Моставайлар билан ўйнаганимдан доимо фахрланаман. Айнан «Спартак»да ҳужум ортида ўйнашга ўргандим. Илгарилари соф ҳужумчи эдим.

— Бирон қизни севгансиз?

— Ҳа, бир қизни севардим. Исми Шаҳноза, фамилияси Фозилжонова. «Баҳор» рақс ансамблида ишлар эди. Тақдиримиз бошқа-бошқа экан, бир-биримизга етиша олмадик. Ҳозир Америкада яшайди. Нью-Йоркда,

америкалик ўзбекка турмушга чиққан. Биз дўст бўлиб қолганмиз.

Ўзимнинг никоҳ тўйим эса Малайзияда бўлган. Уларнинг урф-одати бўйича тўй қилганмиз.

— Футболда киритган илк голинигиз ёдингиздами?

— Албатта, ёдимда. 1987 йил бўлса керак. «Пахтакор» таркибиде Эквадор терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида биринчи голимни киритганман. Севинчдан ўзимни қўйгани жой тополмаганман.

— Футболдан ташқари, қизикшингиз. Хоббингиз?

— Уйимда чиройли картиналар кўп. Уларни йиғишни яхши кўраман. Уларга термулиб ҳар сафар бир маъно кашф этаман. Ўзга оламга тушиб қолгандек бўламан.

— «Ишонч» газетаси ўқувчиларига тилакларингиз.

— Улар соғ бўлишин. Нимани орзу қилсалар барчасига етишинлар, бахт ҳамиша ҳамроҳлари бўлсин.

Сўхбатдош: Абдулхай ЮНУСОВ.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Жамхўджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 22.00. Топшириди - 21.55.

Максимум: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босма хонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.